

## ҚОСИМОВ ИБРАГИМ ДОНАЕВИЧ (ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА)

2026 йил 1 май санаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган, тажрибали шифокор, ташкилотчи, ўстоз ва ўз касбининг фидойи вакили, Республика шोшинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг ахборот-таҳлил бўлимининг мудир Устоз Қосимов Ибрагим Донаевич муборак 80 ёшга тўлдилар.

И.Д. Қосимов 1946 йилда Жиззах туманининг Ровот қишлоғида таваллуд топган. Болаликдан илмга чанқоқ, интизомли ва меҳнатсевар бўлган Ибрагим ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, 1962 йилда Самарқанд давлат медицина институтига ўқишга кирди. У 1968 йилда мазкур олийгоҳнинг даволаш факультетини муваффақиятли тамомлаб, ҳарбий чақирув асосида 1968–1970 йилларда Совет Армияси сафида авиация полкининг ҳарбий шифокори сифатида хизмат қилди. Бу давр Ибрагим Донаевич учун нафақат тиббий амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш, балким ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш, мустаҳкам интизом, кучли масъулият ва фавқулодда вазиятларда ишончли ва қатъий ҳаракат қилиш каби ўта муҳим ва қимматли фазилатларни шакллантириш мактаби бўлди.

Ҳарбий хизматни тугатгач, 1970–1971 йилларда Жиззах туман касалхонасида врач-травматолог бўлиб ишлади. Мазкур даврда у шикастланган беморларга шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш, травматологик хизматни ташкил этиш, қишлоқ ва туман даражасида аҳолига сифатли тиббий хизмат етказишда фаол иштирок этди. 1972 йилдан 1981 йилгача Ибрагим Донаевичнинг меҳнат фаолияти вилоят касалхонаси билан боғлиқ бўлди ва нисбатан қисқа давр мобайнида у шифокор-травматолог, бўлим бошлиғи, бош шифокор ўринбосари каби масъул лавозимларда самарали ишлади. Айнан шу йилларда у Жиззах вилоятида эндигина шаклланиб бораётган травматология ва ортопедия хизматининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. 1981–1986 йилларда Ибрагим Донаевич Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бўлимида II сектор бошлиғи вазифасида ишлади. Ушбу масъулиятли даврда у вилоят миқёсида тиббиёт соҳасидаги сафарбарлик ишларини талаб даражасига кўтариш, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини тизимли ташкил этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва самарали ишлашини таъминлаш борасида катта ташаббус ва ташкилотчилик салоҳиятини намоён этди.



И.Д. Қосимовнинг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан 1986 йилда Вилоят касалхонаси таркибида «Маслаҳат-диагностика маркази» ташкил этилди. Ушбу марказга 1993 йилгача раҳбарлик қилган Ибрагим Донаевич бу муассасани вилоят аҳолиси учун замонавий диагностика ва маслаҳат хизматини кўрсатувчи муҳим тиббий бўғинга айлантирди. Марказ фаолияти орқали аҳолига ихтисослашган тиббий кўриклар, эрта ташхис қўйиш, касалликларнинг профилактикаси ва беморларни тўғри йўналтириш ишлари сезиларли даражада такомиллашди.

1993–2000 йиллар давомида у Жиззах тумани Ровот қишлоқ участка шифохонасида бош шифокор лавозимида фаолият юритди ва бу босқичда ҳам Ибрагим Донаевичнинг кучли ташкилотчилик салоҳияти янада ёрқин намоён бўлди. Унинг фидокорона меҳнати, қатъияти ва пухта бошқаруви натижасида ҳудудда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. Хусусан, болалар ўлими кўрсаткичи 43%дан 11%гача камайди, диспансеризация тизими, аёлларни соғломлаштириш, она ва бола муҳофазаси, профилактик тиббий кўриклар каби йўналишлар изчил ривожлантирилди.

2000 йилдан бошлаб Ибрагим Донаевичнинг кўп йиллик сермазмун меҳнат фаолияти Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг ташкил топиши, шаклланиши ва изчил ривожланиши тарихи билан ўзвий боғланди. Янги ташкил этилган мазкур муассаса фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ у филиалнинг ташкилий тузилмасини шакллантириш, фаолиятини йўлга қўйиш, моддий-техник ба-

хонаси таркибида «Маслаҳат-диагностика маркази» ташкил этилди. Ушбу марказга 1993 йилгача раҳбарлик қилган Ибрагим Донаевич бу муассасани вилоят аҳолиси учун замонавий диагностика ва маслаҳат хизматини кўрсатувчи муҳим тиббий бўғинга айлантирди. Марказ фаолияти орқали аҳолига ихтисослашган тиббий кўриклар, эрта ташхис қўйиш, касалликларнинг профилактикаси ва беморларни тўғри йўналтириш ишлари сезиларли даражада такомиллашди.

1993–2000 йиллар давомида у Жиззах тумани Ровот қишлоқ участка шифохонасида бош шифокор лавозимида фаолият юритди ва бу босқичда ҳам Ибрагим Донаевичнинг кучли ташкилотчилик салоҳияти янада ёрқин намоён бўлди. Унинг фидокорона меҳнати, қатъияти ва пухта бошқаруви натижасида ҳудудда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. Хусусан, болалар ўлими кўрсаткичи 43%дан 11%гача камайди, диспансеризация тизими, аёлларни соғломлаштириш, она ва бола муҳофазаси, профилактик тиббий кўриклар каби йўналишлар изчил ривожлантирилди.

заси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бўлимлар ўртасидаги иш жараёнларини мувофиқлаштириш ҳамда унинг истиқболли тараққиёт йўналишларини белгилашда бево-сита ва фаол иштирок этди. 2000 – 2008 йилларда директор ўринбосари сифатида у қабул бўлими, операцион блок, ре-анимация хизматларини за-мон талаблари ва жаҳон стан-дартларига мос ҳолда ташкил этиш, янги бўлимларни очиш, қўшимча бинолар қурилиши, уларнинг функционал жиҳатдан тўғри йўлга қўйилиши каби му-ҳим жараёнларда унинг ҳиссаси алоҳида аҳамият касб этди. Шу билан бирга, Зомин, Дўстлик, Ғаллаорол туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир юрак-қон томир касалликлари мар-казларини ташкил этишда, шу-нингдек вилоятнинг туманлари-да тез тиббий ёрдам бўлим-ларини шакллантириш ва ри-

вожлантиришда ҳам фаол иш-тирок этиб, Жиззах вилояти-да шошилич тиббий ёрдам тизимини ҳудудлар кесимида мустаҳкамлаш, оғир шикастлан-ган ва ўткир кардио-васкуляр касалликларга чалинган бе-морларга ўз вақтида ихтисос-лаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, улар-нинг қамровини кенгайтиришга беқиёс ҳисса қўшди.

2008 йилдан буён филиал-нинг ахборот-таҳлил бўлим бош-лиғи сифатида у филиалнинг бошқарув ва таҳлилий фаолия-тини юқори савияда ташкил этиб, муассаса ривожининг стра-тегик йўналишларини белгилаш, кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилиш, соҳа ислохотларини ама-лиётга татбиқ этиш ҳамда мар-каз раҳбарияти ва жамоаси учун ишончли таянч, тажрибали мас-лаҳатчи ва катта авлод вакили сифатида самарали фаолият кўр-сатиб келмоқда. Ибрагим До-

наевичнинг кўп йиллик фаоли-яти Жиззах вилояти тиббиёти учун ҳақиқий мактаб, тажриба ва ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

**Республика шошилич тиб-бий ёрдам илмий маркази ва унинг Жиззах филиали жамо-аси, Ўзбекистон шошилич тиббий ёрдам врачлари ассо-циациясининг Бошқарув кен-гаши, «Шошилич тиббиёт ахборотномаси» журнали таҳ-ририяти ҳурматли устоз Қо-симов Ибрагим Донаевични муборак 80 ёш тўйи билан чин қалбдан табриклайди ва унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонларига файзу-барака, фарзандлар ва шогирдлар ар-доғини, шунингдек, мамлака-тимиз соғлиқни сақлаш ти-зимини ривожлантириш йў-лида яна кўп йиллар давомида самарали фаолият юритиши-ни тилайди!**